



**СТАТУС
ДВИЖЕНИЯ Поездов
AFROSIYOV MOJNO
OTSLJEIVATЬ
ONLAYN**

5-стр.



**ЎЗБЕКИСТОН
МОБИЛ ИНТЕРНЕТ
НАРХИ АРЗОНЛИГИ
РЕЙТИНГИДА
ЮҚОРИЛАДИ**

6-бет.



**HDR VA DOLBY
VISION NIMA VA
ULAR QANDAЙ
VAZIFANI
BAJARADI?**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

30 (1556)-son
29-iyul
2022

@xabaruzofficial

facebook.com/xabar.uz/

@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



Ўзбекистон – БАА: ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

АКТ вазири Шерзод Шерматов Astrum IT академиясида Бирлашган Араб Амирликлари делегацияси билан учрашув ўтказди.

Учрашувда БАА билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва уларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, АКТ вазири БАА томонидан mGovAward халқаро танловини амалга оширишда бевосита иштирок этгани ва қўллаб-қувватлаганини алоҳида эътироф этди.

Мамлакатда ёшларнинг салоҳиятини юксалтириш, икки давлат ўртасида IT компаниялар билан ҳамкорликда ишлаш, АКТга ёш ўғил-қизларни кўпроқ жалб қилиш учун келгусида ҳам ана шундай лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга келишиб олинди.



ТЕЗ ОММАЛАШАЁТГАН КАСБ

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛАЁТГАН ЁШЛАР СОНИНИ ОШИРИШ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ КАДРЛАР СИЁСАТИНИ ОҚИЛОНА ЮРИТИШ ЭНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.



ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН 10та IT-КОМПАНИЯ

1. Eram Systems
2. Codecraft
3. DM IT Group
4. Fido Biznes
5. Cyberspace Development Centre
6. Alif Tech
7. Venkon Group
8. Datasite Technology
9. Genesis Innovation
10. Fom Group



Манба: weproject.media

Мобил идентификациялаш

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШНИНГ МОБИЛ-ID ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент фармонида кўра, давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига қўшимча равишда жисмоний шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими жорий этилади.

Унга мувофиқ:

Мобил-ID тизими "Электрон ҳукумат" тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш бўйича ягона ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва шахсни унинг мобил телефон рақами орқали идентификациялашни назарда тутаяди;

шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора томонидан ёхуд ЯИДХП мобил иловаси орқали амалга оширилади.





Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 июл куни Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди. Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш асосида яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 22 июл куни Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июл куни қатор хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва нуфузли сиёсатчилари билан телефон орқали мулоқот қилди. Хорижий ҳамкорлар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, Президентимизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда аҳоли турмуш даражасини тубдан ошириш, демократик жамият институтларини мустақамлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва халқаро мавқеини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохот ва янгиланишлар стратегиясини амалга оширишда катта муваффақиятлар тилади.

Президент Шавкат Мирзиёев 26 июл куни аҳоли турмушини яхшилаш ва тадбиркорлар фаоллигини оширишга қаратилган тақлифлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда аҳоли ва бизнесни қийнаб келаётган муаммолар, улар бўйича илгари сурилаган тақлиф ва ташаббуслар муҳокама қилинди. Асосли тақлифларни қаноатлантириш, одамлар учун қулайликларни ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июл куни пахтачиликдаги долзарб вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва “Тадбиркорлик субъектлари билан самарали мулоқот тизимини жорий этиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари эълон қилинди.



Салмоқли уч йил: ОЁҚҚА ТУРИШДАН ТО КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙИШГАЧА...

Жорий йилнинг 24 июл куни IT-ПАРК УЧ ЁШИНИ НИШОНЛАДИ. ВА БУ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. “АЙТИПАРК”ЧИЛАР ТУҒИЛГАН КУНЛАРИДА ҲИСОБОТ БЕРИШНИ ЯХШИ КЎРИШАДИ: БИР ЙИЛ ДАВОМИДА ҚАНДАЙ НАТИЖАГА ЭРИШИЛДИ, ФАКТ ВА РАҚАМЛАРНИ ТЎКИБ ТАШЛАШАДИ, ШУ КУНИ. ВА ЭНГ МУҲИМИ, КЕЙИНГИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА НИМА ҚИЛИШМОҚЧИ ЭКАНЛИКЛАРИНИ ҲАМ ЭЪЛОН ҚИЛИШАДИ. БУ ҲАМ ЎЗИГА ХОС ДАДИЛЛИК, САБАБИ АЙРИМ ТАНИҚЛИ КОМПАНИЯЛАР ҲАМ РЕЖАЛАРИНИ УНЧАЛИК ЎРТОҚЛАШИШНИ ИСТАШМАЙДИ.

Бу гал IT-Rark Rewind 2022 деб номланган халқаро тадбирга жудаям кўп меҳмонлар келди: АКТ вазири ва тизимдаги корхоналар раҳбарлари, Бирлашган Араб Амирликлари вакиллари, бизнес ҳамкорлар, резидентлар ва “айтишник” ёшлар.

Жудаям кўп кузатганман: “айтишник”лар даврасида ўзгача атмосфера ҳукмрон бўлади, қўлларида ноутбук, уч-тўрт нафар бўлиб, жонли мулоқот қилиб ўтиришади. Улар эркин мулоқотни яхши кўришади, четдан қараган одамда ҳавас уйғонади. Назаримда, улар фаолиятлари тақозосига кўра, кўпроқ онлайн мулоқотда бўлишади ва шундай тадбирлар баҳонасида жонли суҳбатларнинг қадрига етишади.

Асосий тадбирга таниқли блогер Отабек Маҳкамов бошловчилик қилди. У “Аструм” IT-академиясининг энг катта залига йиғилганларни зериктирмаслик учун ораси-рада ўзига хос услубда ҳазилнамо гаплари билан қулги улашиб турди.

Дастлабки табрик учун сўз АКТ вазири Шерзод Шерматовга берилди.

– Беш-олти йил олдин кўпчилик Ўзбекистонда “айти” бўлиши мумкинми, деб ҳайратланарди, – деди Шерзод Шерматов табрик сўзида. – Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли мамлакатимизда “айти” ривожига катта эътибор қаратилди. Ҳозир Ўзбекистонда бу соҳада яратилган шароит ва имтиёзлар яқин давлатларда йўқ. Ўтган уч йил давомида IT-ПАРК резидентлари сони 700дан ошди. Ёки экспортёрлари жорий йилнинг

олти ой ичида ўтган вақтнинг шу даврига нисбатан икки баробарга кўпайди. Қисқа фурсатларда ҳар бир туманда ушбу йўналишларда таълим олиш имкониятлари яратилди. Халқаро ҳамкорлик йўналишида гапирадиган бўлсак, биргина Бирлашган Араб Амирликлари билан жуда катта лойиҳалар амалга ошириляпти. Оддий мисол, “Бир миллион дастурчи” ва mGovAward лойиҳаларида жуда кўп ёшларимиз қатнашди. Президентимиз топшириғи билан АКШга борган эдик. У ерда Plug&Play компанияси вакиллари билан мулоқотлар ўтказдик. Яқинда ушбу компаниянинг юртимизда бўлиши очилди. Энди бизни стартапчиларимиз учун халқаро даражадаги акселератор ва венчур

капитал фирмалар билан алоқа қилиш имконияти пайдо бўлди. IT-ПАРК жамоасини табриклайман, биргаликда доим олдинга ҳаракат қилишимиз керак, шунда қўйилган мақсадларга эришамиз.

Дарҳақиқат, АКТ вазири алоҳида таъкидлаганидек, Президент IT-ПАРК фаолиятига жиддий эътибор қаратган. IT-ПАРК ташкил этилганидан буён унинг офисига уч марта, худудлардаги офисларига ҳам бир неча маротаба ташриф буюрди. Минтақаларда IT-ПАРКнинг филиаллари учун мухташам бинолар қад ростламоқда.

Шундан сўнг IT-ПАРК раҳбари фарҳод Ибрагимов компаниянинг уч йиллик фаолиятига батафсил тўхталиб, келажак режалари ҳусусида сўз юритди.

Келинг, шу ерда факт ва рақамларга кўз ташлайлик. Ўтган уч йилда IT-ПАРК нималар қилди ва қандай натижаларга эришди:

“**ҲОЗИР ЎЗБЕКИСТОНДА БУ СОҲАДА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ ВА ИМТИЁЗЛАР ЯҚИН ДАВЛАТЛАРДА ЙЎҚ. ЎТГАН УЧ ЙИЛ ДАВОМИДА IT-ПАРК РЕЗИДЕНТЛАРИ Сони 700дан ОШДИ.**”

■ 2022 йилнинг биринчи ярмида резидентлар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 48 млн. долларни ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 баробарга ошган;

■ компания резидентлари сони – 744тани ташкил қилади, уларнинг 107таси халқаро IT-компаниялардир;

■ IT-ПАРК жами 760 стартапни қўллаб-қувватлади;

■ 2021 йилда ВРО йўналишида – \$28,5 млн. долларлик экспорт амалга оширилди;

■ компания резидентларида фаолият кўрсатаётган IT-мутахассислар сони – 15 000 нафардан кўп;

■ IT-Паркнинг 205та IT-марказларида 10та йўналишда 80 мингдан кўп ўқувчи таълим олди;

■ Парк томонидан ташкил этилган 700дан зиёд турли танлов, ҳақтон ва тадбирларда 50 мингдан кўп ёшлар иштирок этди (mGovAward, IT-Park Cup, Students Cup, Open Data Challenge etc.);

■ бизнес-инкубатор ва акселераторлар (Tumaris Tech, AloqaTech Lab, Ucell Accelerator, GameDev Goethe Incubator etc.);

■ Ўзбекистон бўйлаб OTMларда жами 34та инкубацион марказлар очилди;

■ 9 000дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди;

■ IT-Паркнинг биринчи хориждаги ваколатхонаси АКШнинг Делавэр штатида 2020 йилнинг 18 августида очилган. Бундай ваколатхона Латвияда ҳам фаолият кўрсатмоқда, жорий йилнинг августида Германияда ҳам очилади;

■ Тошкентда 6 гектар майдонда 17та кўп қаватли иморатлардан иборат IT-мажмуа бунёд этилмоқда;

■ IT-Паркда боога яқин мутахассислар меҳнат қилишмоқда;

■ IT-Парк 2022 йилда TashRush ва IT-Visa дастурларини ишга туширди. Натижада хорижий IT-мутахассислар сони – 6000 нафардан зиёдни ташкил қилди;

■ 2022 йилда IT-Парк ЕРАМ компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда биринчи онлайн IT-Park University ташкил қилди.

– IT-Парк бу ютуқлари билан тўхтаб қолмоқчи эмас, – деди Фарход Ибрагимов тақдирот давомида. – Энг катта муваффақиятли лойиҳаларимиз ва ютуқларимиз ҳали олдинда.

Тадбирда, шунингдек, Plug&Play Germany бошқарувчи директори Саша Каримпур ва ушбу компания бизнесни ривожлантириш ва корпоратив ҳамкорлик бўйича менежери Феликс Ламмерс ҳам сўзга чиқиди.

Шундан сўнг mGovAward лойиҳаси ғолиблари тақдирланди. Ғолибларга мукофотларни БАА давлат хизматлари сектори раҳбари Муҳаммад Бин Талиа ва АКТ вазири Шерзод Шермаговлар топширишди.

Ўз навбатида, IT-Парк ҳам беш нафар бизнес-ҳамкори ва резидентларини махсус мукофотлар билан тақдирлади.

Асосий тадбирдан сўнг «АҚШ ва Европа давлатларига экспорт», «Ўзбекистон Республикасида венчур инвестицияларининг муҳимлиги ва ҳуқуқий аспекти» ва «Инсон капиталига ҳисса қўшиш компания ривожини учун киритилган инвестиция сифатида» мавзуларида панел муҳокамалари бўлиб ўтди. Эътиборлиси, «АҚШ ва Европа давлатларига экспорт» муҳокамасида Ҳиндистондан NASSCOM компанияси вице-президенти К.С.Висванатхан онлайн қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир турли хил мусобақаларга бой бўлди, хусусан, стартап-баттл, интеллектуал беллашув, шахмат, стол тенниси ва футбол бўйича баҳслар ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, турли мавзуларни қамраб олган тадбир республикамиз «айтишник»лари учун катта байрамга айланди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ



Хозирги кунда фрилансерлик энг тез ривожланаётган касблардан бири десак, муболага бўлмайди. “Фриланс” сўзи, хусусан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва олий таълим муассасаларида ўтказилаётган йиғилиш ва форумларда тез-тез тилга олинмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази давлат муассасаси томонидан ҳам АКТ билан машғул бўлаётган ёшлар сонини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, талаба ёшларини ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларга қўшимча даромад манбааларини топишга қўмаклашиш мақсадида бир қанча тадбирлар ташкиллаштириб келинмоқда. Хусусан:

– жорий йилнинг 3 июнида Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Шерматов бошчилигида фрилансерлар ва фрилансер бўлиш истагида бўлганлар билан очиқ мулоқот ташкиллаштирилди. Ушбу тадбирда 200дан ортиқ ёшлар онлайн иштирок этишди.

– жорий йилнинг 2 июлида Амрити университетига “Фрилансингга биринчи қадам” мавзусида форум ташкиллаштирилди. Ушбу форумга фрилансерлик соҳасида муваффақият қозongan ва хозирги кунда IT тадбиркорлик билан шугулланаётган мутахассислар жалб қилинди ҳамда 300дан ортиқ ёш авлоднинг иштироки таъминланди.

– жорий йилнинг 3-чорагида ўндан ортиқ олий таълим муассасаларида “Фрилансерлик – бу келажак касби” мавзусида форумларни ўтказиш ва талаба ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларга қўшимча даромад манбаларини топишга қўмаклашиш режалаштирилган.

Фрилансер сифатида фаолият олиб боришда аҳамият бериш керак бўлган муҳим маълумотлар:

Дастурчи, дизайнер, таржимон, бухгалтер, SMM мутахассис, соруувитер, онлайн-консультант, аудио ва видео таҳриричи, маълумотлар киритиш ва бошқа масофадан туриб ишлаш имконига эга соҳа вакиллари фрилансер бўла оладилар. Upwork, fiverr, envato, toptal, freelancer.com, kwork, fl.ru, 99designs, jooble, flexjobs, simplyhired, guru, behance, peopleperhour ва бошқа

платформаларда фрилансерлик фаолиятини юритиш мумкин.

Фрилансерлик платформалари Payoneer, Qiwi, Webmoney ва бошқа тўлов тизимлари билан ишлайди. Бундан ташқари, фрилансер платформалари PayPal, Skrill, Tellnet аммо тўлов тизимлари билан ишлайди, ушбу тўлов тизимлари орқали Ўзбекистонда пул ечиб олиш мавжуд эмас, лекин халқаро онлайн харид ва тўловларни амалга ошириш мумкин. Фрилансерлик фаолияти орқали ишлаб топилган пуллари Payoneer, Wire transfer, Qiwi, Webmoney тўлов тизимлари орқали ечиб олишлари мумкин.

Фрилансер иш анжомларини ўзи сотиб олади ва кафедра, ижарага олинган офисда, уйда ёки пляжда ишлаши мумкин. Интернетга уланган компютер ёки мобил телефон бўлиши лозим.

Севимли машғулотдан пул ишлаб фрилансер бўлиш мумкин. Инсон ўзига ёқадиган ва амалга ошира оладиган иш билан машғул бўлиш орқали қўшимча даромад топиш имконига эга бўлади.

Асосий ишни ташлаб, фрилансерликка ўтишдан олдин бозорни ўрганиш ва тегишли буюртмалар билан сайтлар ёки хизматларни топиш лозим.

Инсон вақтини ўзи ташкил қилади ва бевосита мижозлар билан ишлайди, шунинг учун бизнес муваффақияти фақат ўзига боғлиқ бўлади.

Буюртмачи фриланснинг вазифини тўғри ва аниқ тушунганлиги бўйича қизиқади. Шунинг учун у техник топшириқни шакллантиради, бу сўровнинг моҳиятини тушунтиради. Кўп ҳолларда фрилансер натижа керак бўлганда қидирилади, шунинг учун кўрсатилган муддатларга эътибор бериш лозим.

Фрилансер ишончи қомил бўлмаган йирик лойиҳалар ёки мураккаб буюртмаларни қабул қилмагани ва имкониятларни олдиндан баҳолашга ҳаракат қилгани маъқул. Мисол учун, агар вазифа фрилансерда мавжуд бўлмаган қўшимча ускуналар ёки кучларни талаб қилган тақдирда, бу натижага қандай таъсир қилишини ўйлаб кўриш лозим.

Фрилансер хоҳлаганча кўп топшириқларни олиши мумкин, лекин ўз ишини ўз вақтида топширишни унутмаслиги даркор. Тиришқоқ ва топшириқ муддатига амал қиладиган фрилансерлар бозорда кадрлана-

ди. Муддатларни баъзан “deadline” деб аташади, бу инглизча сўз бўлиб, “охирги сана” деган маънони билдиради.

Буюртмачини топишда фрилансер ўзининг мақсадли аудиториясини аниқлаб олиши керак. Булар мактаб ўқувчиларининг ота-оналари, бизнес эгалари, уй бекалари ва бошқалар бўлиши мумкин. Улар ижрочиларни турли жойлардан қидирадилар, лекин умумий платформалардан бўлган – upwork.com, fiverr.ru, kwork.ru ва турли хил платформалар мавжуд.

“Фриланс топиш” ёки аниқ соҳа “бухгалтер топиш” сўзи билан махсус сайтлар (баъзан “биржа” деб номланади)даги сўров орқали буюртмаларни топиш ва танлаш мумкин. Буюртмачи буюртмасини танлаган ижрочиларни ўз хоҳишига кўра саралаб олади. Фриланс ижрочини буюртмачи танлаши учун унинг рейтинги баланд ва ижобий изоҳларга бой бўлиши лозим. Ушбу натижага эришиш ва мижозларнинг ишончини қозониш учун бироз вақт талаб қилинади. Бунинг учун фриланс ўз ижод ва интилишидан тўхтамаслиги лозим.

Фриланс интернетда контекстли рекламани ишга тушириши мумкин. Иш фаолиятидаги намуналар ва маълумотларини кичик промо-саҳифани яратиши ва мижозлар шу реклама орқали унинг саҳифасига йўл олиши мумкин.

Фрилансерлар Давлат солиқ қўмитасига шахсан таширф буюрган ҳолда, solid.uz мобил иловаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн тарзда ариза топширишлари мумкин. Ўз-ўзини банд қилган шахслар тўғрисидаги барча маълумотлар билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилнинг 23 декабридаги 806-қарорида тўлиқ танишиб чиқиш мумкин.

Ўзини ўзи банд қилганлар яқка тартибдаги тадбиркорлар сингари бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисобот бориш ёки солиқ декларациясини топширишлари шарт эмас. Даромад ва ҳаражатларни ихтиёрий равишда solid.uz иловасида тўғридан-тўғри кузатиб бориш мумкин.

Дилшод САГАТОВ,
Рақамли иқтисодиёт
тадқиқотлари маркази
давлат муассасаси
бўлим бошлиғи

“ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР” ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДАГИ ИНТЕРВЬЮЛАРИМИЗНИНГ БУ ГАЛГИ СУХБАТДОШИ ЯПОНИЯДАГИ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИ ДОКТОРАНТИ АКРОМ АВЕЗОВ.

ҚАХРАМОНИМИЗ МАГИСТРАТУРАНИ ҲАМ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎҚИГАН, БАКАЛАВР БОСҚИЧИНИ ЭСА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАМОМЛАГАН.

ЮТУҚЛАРИМДА БОБОМ ВА БУВИМНИНГ ҲИССАЛАРИ УЛКАН

Тошкент шахрида туғилганман. Болалигимнинг катта қисми ҳам айнан шу ерда ўтган. 6-синфга пойтахтдаги 328-умумтаълим мактабда тахсил олганман. Сўнгра эса, Урганч шахрига кўчиб, у ердаги 1-сонли мактабни тамомлаганман. Иккала мактаб ҳам мен учун кўп унутилмас хотираларнинг манбаи ҳисобланади, айниқса, синф раҳбарлари борасида роса омадим келган.

Тошкентда яшаган давримда тарбиям билан асосан бобом ва бувим шуғулланишган, шунинг учун ҳам барча ютуқларимда уларнинг улкан ҳиссаси бор. Айнан бобом менда илм олишга қизиқишни биринчи бўлиб уйғотган, 1-синфга боришимдан олдин ёзиш, ўқиш ва ҳаттоки компютердан фойдаланишни ўргатган. Юмушлари кўп ва ишдан чарчаган бўлса-да, менинг “У ким?”, “Бу нима?”, туркумидаги саволларимни биронтанини ҳам жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қилган. Балки, шунинг учун ҳам болалигимдан интеллектуал ўйинларга қизиқишим банд, аввало, “Ким миллионер бўлишни истайди?”, “Ким? Қаерда? Қачон?”, “Заковат”, “Ўйла, изла, топ” дастурларини телевизорда кўрган бўлсам, Урганчдаги мактабда ўзим шундай ўйинларни ташкил қилиш билан шуғулланганман.

ХОРИЖИЙ УНИВЕРСИТЕТЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЭДИМ...

Аввало, иқтисодиёт соҳаси ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини танлашимда қандайдир бир романтик ёки қулоққа ёқадиган сабаб мавжуд эмас. Ҳаммаси жуда оддий. Бу қарорга қилишимда отамнинг роли катта. Биринчидан, отамнинг ўзи иқтисодчи бўлгани туфайли, табиийки, менда ҳам бу соҳага қизиқиш пайдо бўлган. Қолаверса, мактаб пайтлари математика фанига иштиёқим банд эди ва инглиз тилини ўрганишни 1-синфдаёқ бошлаб юборганим туфайли отам мени ЖИДУ қошидаги академик лицейга ҳужжат топширишга ундаган.

Математика ва инглиз тили бўйича ўрганишларимни лицейда ҳам давом эттирдим. Натигада, 2015 йили ЖИДУ-нинг халқаро иқтисодий муносабатлар факултети талабасига айландим. ЖИДУ билан биргаликда ўша пайтда Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча хорижий университетларга ҳам қабул қилинганман. Аммо, университетни тамомлагач, Ташқи ишлар вазирлиги ёки бошқа давлат бошқаруви идораларида фаолият юритишни мақсад қилганим боис ЖИДУни танладим. Бу ердаги тўрт йил академик салохиятимни ошириш билан чекланиб қолмай, турли сабабларга кўра ҳаётдаги позициям, қарашларим ва келажақдаги режаларимда кескин ўзгаришларга олиб келди. 2018 йили талабалар алмашинуви дастури асосида Япониянинг Ҳоккайдо университетига ўтказган беш ой ҳамда



ЖИДУдаги жаҳон иқтисодиёти ва савдо муносабатларига оид курсларда иштироким бўлиш нуктаси бўлди.

ТАЪЛИМНИ СИЁСАТШУНОСЛИК БЎЙИЧА ДАВОМ ЭТТИРДИМ

Шундай ўзгаришлардан энг муҳими таълимни иқтисодиёт эмас, сиёсатшунослик бўйича давом эттириш бўлди. Зеро, ЖИДУдаги талабалик давримда Ўзбекистонда мавжуд деярли барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг илди-зи бориб сиёсий масалаларга тақалишига амин бўлдим. Яъни, “Ўзбек модели”нинг “аввал иқтисод, кейин сиёсат” тамойили сиёсий ислохотларни орта суриш учун ўйлаб топилган доғмалардан бири эканлигини тушуниб етдим. Аксинча, комплекс сиёсий ислохотларсиз барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш қийин эканлигини кўрсатувчи таҳлиллар ҳам бу фикримни янада мустаҳкамлади. Шунинг учун ҳам магистратура бошқичида сиёсатшунослик бўйича тахсил олиб, бу соҳада илмий ишлар олиб боришга қарор қилдим.

Нима сабабдан Японияга ҳужжат топширганимга асосий сабаб эса юқорида айтганимдек, Ҳоккайдо университетида ўтказган қисқа давр эди. Беш ой давомида мен Япония таълим тизими ҳақида зарур маълумотларни тўпладим, магистратурага грант ютиб олиш учун керакли шартларни ўргандим. Кўшимчасига, япон тили бўйича билимларимни кучайтиришга муваффақ бўлдим. Энг муҳими, илмий қизиқишларим мос келадиган япон университетларидаги профессорларга боғланиб, улар билан мулоқот қилдим. Хуллас, магистратурада таълим олиш учун энг мос манзил сифатида Японияни танлаш қарори анча осон кечди.

ШАХС СИФАТИДА МУСТАҚИЛ БЎЛИШГА ҲАРАКАТИМ КУЧАЙДИ

Япониядаги уч йилдан ортиқ ҳаёт шахсий хислатларим ва дунёқарашимга таъсир ўтказмасдан қолмади, албатта. Биринчи навбатда, индивидуаллик, яъни шахс сифатида мустақил бўлишга ҳаракатим кучайди. Мунаввий жиҳатдан ҳам эмоционал жиҳатдан ҳам кўпроқ ўз кучимга ишонишни бошладим. Иккинчидан, саёхат қилиш маданиятини шакллантиришга эришдим. Бир ойда камида икки марта турмуш ўртоғим билан биргаликда Япониянинг турли бурчакларига боришни одат қилганмиш. Пандемия янада чекингандан сўнгра эса яқин атрофдаги бошқа мамлакатларга ҳам таширф буюришни режалаштирганмиш. Учинчидан, Японияда илмий соҳа вакил-

Нагоя университети докторанти Акром АВЕЗОВ:

КЕЛАЖАҚДА ФАОЛИЯТИМНИ ТЎЛИҚ ЎҚИТУВЧИЛИККА БАҒИШЛАМОҚЧИМАН

лари, мустақил экспертларнинг давлат бошқаруви, қарор қабул қилиш жараёнидаги ўта муҳим роли келажагимни академик йўналиш билан болашимга сабаб бўлди. Қачондир Ўзбекистонда ҳам ҳокимиятнинг барча бўгинларида соҳа мутахассисларнинг объектив баҳола-рига жиддий муносабат билдиришни бошлашади, деган умиддаман.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИМ

2021 йилда магистратура бошқичини муваффақиятли тамомлагач, илмий раҳбаримнинг маслаҳатига биноан таълимнинг кейинги бошқичи – докторантурага ҳужжат топширдим ва қабул қилиндим. Ҳозир сиёсатшунослик бўйича фалсафа доктори даражасини олиш учун илмий изланиш олиб бора-ман. Изланишимнинг мақсади Ўзбекистон ва Қозоғистондаги ҳукуматларнинг легитимлик стратегиялари ва уларнинг самарадорлигини ўрганишдан иборат. Яъни, бу икки давлат раҳбарлари ва уларнинг жамоалари қандай қилиб ўз ҳокимиятини асослайди ва бу борадаги ёндашувлар мустақиллик йилларида қай тарзда ўзгарган, деган саволларга жавоб қидиришга бел боғлаганман.

Илмий лойиҳам нафақат ҳукуматнинг ўз легитимлиги борасидаги қарашларини ва аргументларини, балки аҳолининг бу асосларга қай даражада ишонишини ҳам ўрганишни тақозо қилади. Қолаверса, аҳоли учун давлат бошқарувида қайси жиҳатлар энг муҳим эканлигини аниқлаш имкони бўлади. Бу илмий иш мамлакатимиздаги аниқ бир муаммонинг ечимини тақдим қилади дейиш қийин, балки кўпроқ давлат ва жамяят ўртасидаги муносабатларнинг асл кўринишини аниқлаш ва шу орқали келажақдаги сиёсий натижаларни тахмин қилиш имконини беради.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛИШ ЖУДА МУҲИМ

Мамлакатимизда муаммолар бор, энг асосий муаммо эса – ўртача Ўзбекистонлик потенциалдан камбағалроқ ҳаёт кечирмоқда. Масалан, аҳоли жон бошига Ялпи ички маҳсулот бизда 2000 АҚШ долларидан кам, Ҳукумат бу кўрсаткични 2030 йилгача 4200 АҚШ долларига етказиш ҳақида гапирмоқда. Фикримча, Ўзбекистоннинг ҳақиқий имконияти бу рақамлардан анча юқори, шу боис олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун ислохотларнинг хозирги суратини қаррасига жадаллаштириш лозим.

Агар фақат иқтисодий масалаларга тўхталадиغان бўлсак, Ўзбекистон меҳнат ва ер ресурсларига бой бўлганлиги ҳисобига айнан шу ресурслар интенсив ишлатиладиган соҳалар қисқа ва ўрта муддатда иқтисодий ўсишимизнинг лоқомоти бўла олади. Масалан, қишлоқ хўжалиги, энгил саноат ва туризм соҳалари шулар жумласидан. Шу билан бирга, жаҳон бозорига интеграциялашув, протекционизм сиёсатидан воз кечиш ҳамда энергетика соҳасининг хусусий-

лаштирилиши жуда муҳим ҳисобланади. Аммо, комплекс сиёсий-маъмурий ислохотларсиз фақат иқтисодий чоралар орқали эришилган ўсишнинг ижобий натижалари аҳолининг катта қисми учун чегараланган бўлади.

СИЁСИЙ ТУЗИЛМАДА ИЛМИЙ СОҲА ВАКИЛЛАРИ РОЛИ ЖУДА ЮҚОРИ

Бу саволни жуда кўп беришади. Унга қандай жавоб бериш кераклиги эса мени доим ўйлантириб келган. Бакалавр бошқичидаги битирув ишим ҳам шунга яқин мавзуда эди. Шубҳасиз, ривожланган давлатларнинг мисолларини ўрганган ҳолда улардан хулоса қилиш ҳар қандай ривожланаётган мамлакат учун муҳим. Аммо, мен бу саволга фақат Япония нуктайи назаридан эмас, балки деярли барча ривожланган давлатлар учун универсал бўлган айрим жиҳатларни умумий тарзда санаб ўтмоқчиман. Фуқаролик жамятининг эркинлиги ва фаоллиги, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги, сиёсий плюрализм, кучли парламент, ОАВ эркинлиги, меритократик асосларда шаклланган бюрократия шулар жумласидан. Юқоридагилар барқарор ривожланишимиз учун зарур таркибий қисмлар, бироқ улар ҳам абсолют эмас, албатта. Агар бошқа мамлакатлардан фарқ қиладиган Япониянинг бир жиҳатини ажратиб олиш лозим бўлса, сиёсий тузилмада илмий соҳа вакиллари, тадқиқот институтлари ва мустақил экспертларнинг роли жуда юқори эканлиги Ўзбекистон учун ҳам андоза бўла олади.


ЎЗИМНИ ТЎЛИҚ ЎҚИТУВЧИЛИККА БАҒИШЛАШ НИЯТИМ БОР

Мен танлаган йўл, академик фаолият, олдиндан режалаштириш қийин соҳалардан. Шундай бўлса-да маълум режалар йўқ эмас, албатта. Биринчи навбатда, икки-уч йил ичида диссертациямни ёзиб, уни ҳимоя қилиш хозирги кунда приоритетим ҳисобланади. Ундан кейинги қадам эса илмий тадқиқот институтларида тажриба орттириш бўлади деган умиддаман. Шундай экан, яқин келажақда асосий эътибор Марказий Осиёни ўрганиш бўлган тадқиқот институтларида фаолият юритишни мақсад қилганман.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ўз соҳам бўйича дарс беришга ҳам қизиқиш билдирияман. Аммо, бошланишига фақат хусусий университетлар ва фақат онлайн дарс бериш вариантларини кўриб чиқаман, деган фикрдаман. Тадқиқот институтларидаги фаолиятим туга-гача эса ўзимни тўлиқ ўқитувчиликка бағишлаш нииятим бор. Хуллас, қаерда бўлсам ҳам илмий фаолиятим марказида Ўзбекистоннинг ички сиёсий тузилмаси қолади, деб ўйлайман.

Нуритло ТЎХТАСИНОВ

СТУДЕНТЫ УНИВЕРСИТЕТА ИНХА В ТАШКЕНТЕ СТАЛИ ПОБЕДИТЕЛЯМИ КОНКУРСА MGOVAWARD



mGovAward — это масштабный конкурс по разработке мобильных приложений в сфере государственных услуг с призовым фондом \$100 000.

24 июля в рамках ежегодной конференции "IT Park Rewind 2022" победителей конкурса торжественно наградили министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан Шерзод Шерматов.

Все призовые места заняли команды со студентами УИТ:

1 место — "Tahrirchi" Мамасаидов Мухаммадсаид, Ясмينا Аблаева, Жасур Юсупов.

2 место — "Eco portal" Рустамхонов Мухаммад-Рахимхон, Севинч Холмуминова, Ризаев Акмаль.

3 место — "Lalu" Расул Урузбаев, Махмуджон Каландаров, Мансур Урузбаев.

Теперь хотим рассказать подробнее о каждом проекте.

● **Tahrirchi** — онлайн-приложение на основе искусственного интеллекта "Tahrirchi". Приложение помогает писать на узбекском языке эффективнее и выдает рекомендации относительно правильности написания сообщения.

● **Eco Portal** — проект, нацеленный на улучшение обстановки загрязненности в городе, а также направленный на развитие вовлеченности граждан в сфере экологии и экотуризма.

● **Lalu.uz** — мобильное приложение для молодых мам для получения полезных советов и мониторинга здоровья матери и ребенка.

СТАТУС ДВИЖЕНИЯ ПЕЗДОВ AFROSIYOV МОЖНО ОТСЛЕЖИВАТЬ ОНЛАЙН

Для этого на странице нового сайта с расписанием поездов нужно войти в раздел онлайн-табло.

"Узбекистон темир йуллари" запустила онлайн-мониторинг движения скоростных поездов Afrosiyov, пишет пресс-служба компании.

Сервис работает на основе данных GPS-трекинга. Пользователи смогут узнать, в какое время состав фактически отъехал от предыдущей станции и когда приблизительно он прибудет в пункт назначения, чтобы сравнить с расписанием.

Чтобы использовать онлайн-мониторинг, требуется на новом сайте покупки билетов (chipta.railway.uz) войти в раздел "Расписание поездов". Затем нужно нажать кнопку "Онлайн-табло" и в открывшемся окне выбрать интересующий поезд.



В УИТ СОСТОЯЛАСЬ ВСТРЕЧА АДМИНИСТРАЦИИ УНИВЕРСИТЕТА СО СТУДЕНТАМИ, КОТОРЫЕ ПОЕДУТ В КОРЕЮ ПО ПРОГРАММЕ «ЛЕТНЯЯ ШКОЛА ИНХА 2022»

Целью встречи было предоставить студентам более подробную информацию о программе, ответить на интересующие их вопросы, а также предоставить подробную информацию о планах поездки.

Отметим, в программе Inha summer school 2022 были отобраны студенты из числа тех, кто активнее всего принимал участие в различных проектах и показывал наилучшие результаты.



КИТАЙ СОБИРАЕТСЯ ВНЕДРИТЬ ЕДИНЫЙ СТАНДАРТ БЫСТРОЙ ЗАРЯДКИ ДЛЯ ГАДЖЕТОВ

В Китае решили разработать единый стандарт быстрой зарядки для гаджетов. Местные власти надеются на то, что стандарт со временем примут в качестве глобального эталона.

Единый стандарт быстрой зарядки дает производителям преимущество перед конкурентами. Например, Китай может составить конкуренцию таким американским компаниям, как Qualcomm, продвигающим технологию Quick Charge для смартфонов на базе чипсетов Snapdragon.

Также стандарт поможет китайским производителям смартфонов сократить расходы на самостоятельную разработку.



СОЗДАНО ЦИФРОВОЕ ИЗОБРАЖЕНИЕ, КОТОРОЕ МОЖНО БЕСКОНЕЧНО УВЕЛИЧИВАТЬ

Художник Лукас Васканге опубликовал в своем Twitter-аккаунте изображение, которое можно увеличивать "бесконечно", открывая для себя новые изображения и сюжеты.

На первоначальной картинке изображен художник за работой, на стене у него прикреплена цветная фотография. Если увеличить снимок, то можно разглядеть на ней человека, укладывающего чемодан, чтобы отправиться в отпуск. Дальнейшее увеличение покажет поезд в окне, внутри которого окажется художник, и так далее.

Ролик был опубликован 26 июля и уже собрал свыше 5 млн. просмотров. Пользователи в комментариях выражают восхищение работой Васканге и интересуются, почему изображение не "пикселируется" при дальнейшем увеличении. Художник пояснил, что изображения были созданы не при помощи пикселей, а при помощи векторной графики, что и позволило сделать эффект "бесконечности".



ИТ-ПРАВО. МОЖЕТ ЛИ ИНОСТРАННЫЙ ГРАЖДАНИН БЫТЬ СУБЪЕКТОМ ОТНОШЕНИЙ В ОБЛАСТИ СВЯЗИ?


Вопрос: может ли иностранный гражданин быть субъектом отношений в области связи?

Ответ: согласно статье 2 Закона Республики Узбекистан "О связи", субъектами отношений в области связи являются юридические и физические лица Республики Узбекистан, иностранные юридические лица и граждане.



ДУБАЙДА РЕКЛАМА ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Жорий йил 19–21 сентябр кунлари Дубайда “Sign and Graphic Imaging Middle East” реклама ва рақамли технологиялар кўргазмаси бўлиб ўтади.



Мазкур анжуман ташқи реклама бозориди йигирма йилдан кўпроқ вақт давомида кенг қўламли босма ва рақамли таблолар, ташқи реклама, чакана реклама учун ечимлар, экранли ва рақамли босиб чиқариш соҳасидаги инновацион технологияларни доимий равишда тақдим қилиши билан танилган.

Бу ерда соҳа мутахассислари томонидан кенгайтирилган реаллик, анимацион дисплей, дисплей панели, видео девор, монтаж тизими ва бошқа шу каби янги ишланмалар тўғрисида маълумот тақдим этилади.

ЎЗБЕКИСТОН МОБИЛ ИНТЕРНЕТ НАРХИ АРЗОНЛИГИ РЕЙТИНГИДА ЮҚОРИЛАДИ

Cable.co.uk нашрининг навбатдаги рейтингда мобил интернет нархининг арзонлиги бўйича Ўзбекистон дунёда 233 мамлакат ичида 15-ўринга чиқди.

Interactive map




Авалли рейтингда мамлакатимиз 21-ўринда эди. Ўтган вақт ичида 6 поғона кўтарилишга эришилган.

Эслатиб ўтаамиз, аввалроқ интернет (кенг полосали мобил интернет) нархи бўйича Ўзбекистон — БМТ Халқаро электралоқа иттифоқининг 2021 йилги ҳисоботида кўра, БМТнинг 2 фоизлик кўрсаткичини бажарган 4 давлат қаторидан жой олгани хабар қилинган.

СУДЬЯНИНГ РОБОТ МАСЛАХАТЧИСИ

Хитой мамлакатдаги суд тизimini яхшилаш учун сунъий интеллектдан фойдаланади. Замонавий технология аллақачон қонунлар тавсия этиш, ҳужжатларни тайёрлаш ва қарор қабул қилишдаги хатоларни аниқлаш билан шуғулланмоқда.




Эътиборли жиҳати, судьялар ҳар бир иш бўйича AI билан маслаҳатлашишлари керак. Агар улар “робот” томонидан тавсия этилганидан бошқача ҳаракат қилса, тушунтириш хати ёзишларига тўғри келади.

Пекинда ушбу тизим қўлланоқда. Танқидчилар AI “жазолаш” ҳуқуқини қўлга киритгани ва одамлар устидан ҳукмронлик қила бошлаганини таъкидламоқда.

Авалроқ, Хитойнинг Шанхай шаҳрида “рақамли прокурор” хизматларидан фойдаланилаётгани хабар қилинган. Сунъий онг 17 мингдан ортиқ ишни ўрганиб чиқиб, прокурорлик қобилиятига эга бўлган ва 97 фоиз аниқликда айблов эълон қилган.

ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИ МИКРОСХЕМАЛАРГА ҚАРАБ ҚОЛГАН

Ҳозирги техника ва технологияларни, қайси соҳада бўлмасин, ярим ўтказгичларсиз, микрочипларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.



2020 йилда бошланган ярим ўтказгичлар етишмовчилиги, мана, икки йилдан буён давом этмоқда.

2019 йил бошланган пандемия ҳамон давом этиши шароитида дунё иқтисодиёти маълум қийинчиликларни бошдан ўтказди: ишлаб чиқариш объектлари ёпилди, одамлар уйда ўтириб қолди. Натижада бошқа маҳсулотлар қатори ярим ўтказгичлар етказиб бериш занжирида ҳам узилиш пайдо бўлди. Қолаверса, Украина инқизи, АҚШ билан Хитой ўртасидаги савдо уруши ва кескинлик, табиий офатлар, инсофсиз воситачилар ва бошқа қўплаб глобал муаммолар ярим ўтказгичлар билан боғлиқ танглик давомли бўлишидан дарак бермоқда.



Халқаро ҳаёт

РОССИЯ 2024 ЙИЛДАН КЕЙИН ХАЛҚАРО КОСМИК СТАНЦИЯ ЛОЙИҲАСИДАН ЧИҚАДИ

Россия Халқаро космик станция (ХКС) бўйича хорижий ҳамкорлар олдидаги ўзининг барча мажбуриятларини бажаради, бироқ лойиҳадан чиқиш тўғрисидаги қарор 2024 йилдан кейин қабул қилинади. Бу ҳақда Роскосмоснинг янги раҳбари Юрий Борисов маълум қилди.



“Биласизки, Халқаро космик станцияда халқаро ҳамкорлик доирасида иш олиб борамиз. Шубҳасиз, ҳамкорларимиз олдидаги барча мажбуриятларимизни бажарамиз, бироқ бу станциядан кетиш қарори 2024 йилдан кейин қабул қилинади”, – деди Борисов Россия президенти Владимир Путинга ҳисобот бераётиб.

У бу вақтга келиб Роскосмос Россия орбита станциясини шакллантиришни бошлашни таъкидлади.

Эслатиб ўтаамиз, Россиянинг ХКС лойиҳасида иштирок этишда давом этиши мақсадга мувофиқлиги масаласи 12 апрел куни Путин раҳбарлигида космосга бағишланган йиғилишда муҳокама қилинган эди.

ХКС лойиҳасида 14 мамлакат қатнашади,

уларнинг бештаси – Россия, АҚШ, Канада, Япония ва Европа космик агентлиги асосий саналади. Станцияни қуриш 1998 йилда бошланган, биринчи доимий экспедиция 2000 йилдан ишга тушган.

АҚШ ЖАНУБИЙ ХИТОЙ ДЕНГИЗИГА АВИАТАШУВЧИ КЕМАЛАРИНИ ЖЎНАТДИ

Америкалик ҳарбийлар кемаларнинг якуний манзили ҳақида маълумот бермаган, бироқ қайд этилишича, “агар улар шу йўналишда давом этса, Тайван бўғозига етиб боради”.



АҚШ Тайванга вакиллар палатаси спикери Нэнси Пелосининг эҳтимолий ташрифи муносабати билан ушбу йўналишда авиаташувчи кемаларини жўнатди. Бу ҳақда South China Morning Post (SCMP) хабар берди.

25 июл куни “Роналд Рейган” атом авиаташувчиси ва бошқариловчи ракеталар жойлашган эсминец ва крейсердан иборат гуруҳ Сингапурдан чиққан ва Жанубий Хитой денгизи томон йўл олган.

Авалроқ Хитой АҚШдан вакиллар палатаси спикери Нэнси Пелосининг Тайванга ташрифини ташкил этмаслики талаб қилган.

Хитой мудофаа вазирлиги матбуот котиби Тан Кефейнинг сўзларига кўра, Пелоси АҚШ ҳукуматидаги учинчи шахс ҳисобланади ва унинг ташрифи “ягона Хитой” тамойилига зиддир.

ЕВРОПАДА ГАЗ НАРХИ ТАРИХИЙ МАКСИМУМГА ЯҚИНЛАШДИ

Европада газ нархи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 430 фоизга қимматлашди.



Европада газнинг биржа нархи 12 фоизга ошди ва март ойидан буён биринчи марта 1000 куб метр газ нархи 2300 долларга етди. Нидерландиядаги TTF ҳабида 1 МВт-с газ нархи 224 еврони ташкил этди.

Европада газ нархи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 430 фоизга қимматлашди, деб ёзди Reuters.

Нархлар “Газпром” “Шимолий оқим” қувури орқали Европага газ етказиб бериш умумий қувватининг 20 фоизига камайишини эълон қилганидан сўнг кўтарилиб кетди.

Wood Mackenzie консалтинг компанияси маълумотларига кўра, “Шимолий оқим” 20 фоиз қувват билан ишлаганида Европа қиш арафасида омборларини 75–80 фоизга тўлдириши мумкин. Агар Россия газ етказиб беришни бутунлай тўхтатса, ноябрга бориб омборлар 65–71 фоизга тўлдирилади.

ОРЗУЛАРИ УЛУФВОРНИНГ ИШЛАРИ УЛУФВОР



БУТУНГИ ҚАХРАМОНИМИЗ ҲАМИДЖОН ЭГАМНАЗАРОВ “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ФАРҒОНА ФИЛИАЛИНИНГ УЧКЎПРИК ТУМАНИ “UZTELEKOM” МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА САВДО ОФИСИ МЕНЕЖЕРИ.

У шу туманда туғилган. 2016 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалини тугаллаган. Иши ўзига жуда маъқул ва касби билан фахрланади. Ингилиши ва қизиқишлари чексиз. Шу боис амалиёт йилларидаёқ устозлари эътиборига тушган. Боғлама раҳбари Ойбек Матҳолиқовга кўра Ҳамиджон иш фаолиятини айрича жўшқинлик билан бошлаган. Сўзига, режасига, ишига масъул. Миждозларга салом-алиги ҳам ўзгача. Шу сабаб раҳбар унинг “тортиб кетиши”га кўзи етиб, техникликдан тўғри офис менежерлигига ўтказган. Адашмаган экан. Мана, умум ишга раҳбар тахминидан ҳам кўпроқ кут-баракка киритмоқда.

Фарғона филиали бюджетни режалаштириш бўлими бош мутахассиси Жавлонбек Божоновнинг берган маълумотига қараганда, учкўприкчиликлар ҳар жабҳада ғайрат кўрсатиб ишлаб, мақтовга лойиқ натижаларга эришмоқда. Боғламанинг даромад кўрсаткичлари ошиб боришига диққат қилсангиз ҳам кўп нарса маълум бўлади. 2020 йил ярим йилликда 575 млн. сўм, 2021 йил мос даврида 940 млн. сўм, 2022 йил мос даврида 2 млрд. 25 млн. сўм даромад олинган. 2021 йилга қараганда 2022 йилда даромаднинг ўсиши 2,2 бараварга ошган.

Қўлга киритилаётган зафарларда боғлама раҳбарининг, бутун жамоанинг, жумладан, шижоат камарини маҳкам боғлаган, худо берган салоҳиятини сафарбар этиб фаолият юритаётган Ҳамиджоннинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор, албатта. Хўш, қахрамонимизнинг айна вақтдаги руҳияти қандай? Ёшлиги панд бериб, қийналиб қолмаптими? Қандай орзулар гулшанида яшамоқда? Устозлари кимлар? Уларга муносиб шоғирд бўла оляптими? Шу ва шу каби саволаримизга унинг жавоблари қуйидагича бўлди:

– Амалиёт ўтаган йилларимда андак кина иккиланишлар, айрим арзумаган ҳолатларни таҳлил қилаолмаган, хулосалар ясай олмаган оний лаҳзалар ва ҳатто кунлар бўлган. Очиғи, ёшлик қилган эканман. Ўт-оловлик чоғларнинг антиқа синовлари қийноққа олишини қаердан ҳам билай. Ҳар қолда қутилмаган вазиятларда довдираб қолмай, дарҳол йўлимни топиб олганман. Бунинг учун устозларга ҳар қанча раҳматлар айтасак оз! Ўқийдиган устозларим ҳам назарий, ҳам ҳаёт илмини берганлар. Масалан, Бобиржон Акбаров ҳамда Нурмуҳаммад Халиловлар. Улар биз талабаларнинг қизиққонлигимизга сабр қилишган. Айна нуқсонларимизни тузатиб олишимизга кулибгина чиройли ишоралар қилишган. Амалий ишни беминнат ўргатган ва ўргатаётган – раҳбаримиз Ойбек Матҳолиқов,

Йўлдошали Жўраев, Дилмурод Толипов, Алишер Кишвалиев сингари устозларимдан ҳам чексиз миннатдорман. Улар ҳам олий ўқув юртидаги ўқитувчиларимиз сингари гўзал сўзлардан топиб насиҳат қиладилар, гўзал амалларга даъват этадилар. Қолаверса, қандай орзуларинг, режаларинг бўлса, магистратурада ўқишмоқчимисан, илм оламига кирасанми – мен шу ерданман, мен борман, дегувчи устози аввалим отам Ҳабижон Худойназаров, болаларим тарбияси ва парваришига бош-қош муҳтаромаму мукарррама Хурсаной онажоним борларки, ғам-ташвишлардан йироқман. Уларнинг дуоларидан энг бебаҳо мотивацияни оламан. Ишдаги қийинчиликлар, дедингизми, мен учун ишда қийинчилик йўқ. Бу ишимнинг ҳеч қандай гаштга ўхшамайдиган гашти бор. Оқшом тушиб, уйга қайтганимда ҳам база ишлаб туради – қаерда нима бўляпти, бохабарман, ишим билан бандман.

Ҳа, ёшлиқнинг қудрати ҳам шунда – ҳар қандай ишни беш дақиқада уддалай оламан, дейишида! Уни машаққатлар, заҳматлар чўчитмайди. Тизимдаги ўзгаришлар уни эсанкиратиб қўймайди. Аксинча, янгиланишларни кучоқ очиб кутиб олади ва янада янгиларига ташналигини намоён этишдан ҳам сира чарчамайди.

– 2019 йилдан буён бешта қишлоққа GPON технологиясини киритдик. Навбатда Қирғиз, Полоҳон қишлоқлари, Турвоқ шаҳарчаси турибди. Олис қишлоқларга ҳам юқори тезликдаги интернет кириб бориб, мамлакатимиз ва дунё янгиларини кузатиб бориш имкониятлари яратилаётгани ҳаётимизга қанчадан қанча янгиланишлар олиб кираётганини бир тасаввур қилиб кўринг. Интернетдан дуру гавҳар қидираётганлар, давр талаблари асосида тадбиркорлигини йўлга қўяётганлар, ривожлантираётганлар сафи ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, тилга олган ҳудудларимиз аҳолиси юқори тезликдаги интернет хизматларини бошқача шодумонлик ва умид билан кутмоқда.

Бўлмасам-чи, касбда мукамалликка муваффақ бўлиш ва илму ҳунар топишдан умидворлар ҳам, турган гапки, ноумид қолмайди. Уларга интернет ёрдамга келади. Онлайн хизматлар, онлайн мактаблар, олий ўқув юртлари ва ҳаказо соҳаларда тубдан бурилишлар давом этади. Рақамларга мурожаат қиламиз: 2020 йил 1 январ кунинда туманимизда интернетдан фаол фойдаланувчиларимиз 1080 нафар эди. Айна шу кунларда бу рақам 3050 нафардан ошиб кетди. Бир-икки йилда янги технология бормаган бирор ҳудудимиз қолмайди. Яъни, одамлар ҳаёти моддий ва маънавий жиҳатдан юксалишга, янгиланишларга юз тутуди!

Ҳамиджон каби жасоратли ёшлар Янги Ўзбекистонимизнинг қудрати, фахридирлар. Юртимизнинг фаровон, барқарор истиқболи ёшларимизнинг хуш фазилатларига, фарзандлик бурчларини ва вазифаларини аъло даражаларда бажаришларига боғлиқ. Бу олий мақомда ўз билимларини намоён этишга мушарраф бўлаётган Ҳамиджон Эгамназаровга бекиёс ютуқлар тилаб қоламиз.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг

Фарғона вилоятидаги муҳбири

Қабул 2022




ТАТУДА БЮДЖЕТ УЧУН 625та ЎРИН АЖРАТИЛГАН

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жорий йилда тўрт йўналишда ўқитиш тизимини йўлга қўйган. Булар – кундузги бакалаврият, сиртқи, масофавий ҳамда магистратура.

Кундузги бакалавриятда 18та, сиртқида 11та, масофавийда иккита йўналишда таълим берилди. Шунингдек, кундузги бакалавриятга 1850та ўрин, сиртқида 800та ҳамда масофавий таълимга 400та ўрин берилган. Кундузги бакалаврият учун бюджет асосида 625та ўрин ажратилган бўлса, 1225таси контрактни ташкил этади.

Давлат томонидан кўзи оғизлар, ногиронлиги бор шахслар, эҳтиёжман аёллар, “Дёллар дафтари”да рўйхатда турганлар, хизмат пайтида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг фарзандлари ва бошқаларга берилган имтиёзлар ўз кучида қолади. Улар учун алоҳида квоталар ажратилган.



Солижон ЗОИРОВ,
“Xabar” муҳбири
Муаллиф олган суратлар

Эълон

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 25 июлда “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.



Табиат қўйнига саёхат



ЯХШИ ДАМ – МЕХНАТГА ҲАМДАМ

Жорий йилнинг 22–24 июл кунлари Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ходимлари Тошкент вилоятининг Заркент қишлоғида жойлашган “Паркент ижод уйи” дам олиш масканида маданий ҳордиқ чиқардилар.

Тоғ қўйнида жойлашган ушбу маскандар мароқли дам олиш учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда жамоа ўртасида бирдамлик, жипслик, жамоавий ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, норасмий мулоқот муҳитини яратиш мақсадида инспекция ходимлари ўртасида тимбилдинг (team building – жамоа тузиш) ўйинлари ўтказилди. Ўйинлар жараёнида топширилган вазифани бирдамликда, ҳамфикр бўлиб бажариш, масаланинг осон ечимини топиш, жамоа аъзоларининг бир-бирини тушуниши, режа асосида ҳаракат қилиш муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, тадбир доирасида турли спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди.

“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси маъмурияти ва инспекция қасаба уюшмасы қўмитаси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу икки кунлик саёхатни байрамона кайфиятда ва кўтаринки руҳда ўтказилди.

“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси Ўзбекистон бўйлаб бундай саёхатларни тез-тез уюштиришни режалаштирган.



Дилобар КАСИМОВА,
“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси
бошлиғи маслаҳатчиси в.б.

HDR ва Dolby Vision

нима ва улар қандай вазифани бажаради?



Сўнги йилларда дисплейлар юқори сифатли сурат ва видеоларни тасвирлаш имкониятига эга бўлмоқда ҳамда улар учун янгидан янги технологиялар яратилапти. Бироқ технологияларнинг барчаси ҳам HDR ёки High Dynamic Range (Юқори динамик диапазон) каби тасвирга катта таъсир ўтказгани йўқ.

HDR тасвир сифатини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, HDR функцияси тасвирга унинг Full HD (1080p) дан 4K ёки 8K форматга ўтишдан кўра кўпроқ таъсир кўрсатади.

HDR ўзи нима?

HDR – бу видео контент яратувчиларига юқори ёрқинлик ва рангларнинг аниқлиги тақдим этувчи ҳамда яхши контрастли видеолар яратиш имконини берувчи технология. HDR кўпинча кинотеатрларда қўлланилса-да, у смартфон, телевизор ва планшетларда тобора оммалашиб бормоқда.

Умумий олганда, HDRнинг беш хил тури мавжуд. Уларнинг икkitаси статик, учтаси динамик формат қаторига киради. Статик форматдаги HDR10 деярли барча HDRни қўллаб-қувватловчи дисплейларда учрайди.

Статик форматда HDR контентини кўрсатиш учун зарур бўлган маълумотлар видео давомида бир марта аниқланади. Видео бошланиши билан бу маълумотлар ўзгармайди.

Динамик форматнинг энг кўп тарқалган тури бу HDR10+ ҳисобланади. Статик форматлардан фарқли ўларок, динамик формат томоша


қилаётган видеога мослашиши мумкин, яъни ҳар бир саҳнага қараб HDR элементларини кўпайтиради ёки қисқартиради. HDRни бу тарзда яратиш учун эса кўпроқ маълумот керак бўлади.

Dolby Vision нима?

Dolby Vision – бу Dolby Labs томонидан ишлаб чиқилган динамик HDR формат. Тасвирни саҳнама-саҳна (ҳатто кадрма-кадр) асосида сошлаш орқали бу функция юқори даражадаги ранглар аниқлигини тақдим этади. Экрандаги ҳар бир тасвир оптималлаштирилган бўлиши учун у доимий равишда тасвирга ўзгартирилари киритади.

Dolby Vision оддий HDR10'га қараганда юқори ёрқинлик даражасини тақдим этади. HDR10 максимал 1000 бит ёрқинлик даражасини қўллаб-қувватласа, бу кўрсаткич Dolby Visionда 10,000 битни ташкил қилади.

Худди шундай устуңлик ранглар аниқлигида ҳам мавжуд. HDR10 контент 10 бит маълумотлардан фойдаланган ҳолда рангларни танлаш имконини беради. Dolby Visionда эса бу 12 бит-гача оширилган. Бу рақамлар орасида унчалик катта фарқ йўқ дейишга шоянмаслик керак. Икки бит ҳам катта фарқларни юзага келтиради. 10 бит билан битта асосий рангнинг 1024 турини танлаш мумкин. Бу бир миллиарддан ортиқ рангларни тақдим этади. 12 битда эса битта асосий рангнинг 4096та турини танлаш мумкин, бунда умумий 68 миллиарддан ошқ ранглар келиб чиқади.



Xabar

MUASSIS:

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Бoш муҳаррир:

Abdug'ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV,
Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV,
Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda “Xabar”dan olinganligi ko'rsatilishi shart

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalaniladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri,
Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy
(Mo'ljal Oloy bozori).

Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
Dizayner: Asliddin BO'RIVEV.
Navbatchi: Solijon ZOIROV.

ISSN 2010-6424



Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi

Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

G-759 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 2991

ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17 °°
Bosishga topshirish vaqti — 24 °°

Viloyat muxbirlari:

Andijonda (74) 226-47-80 Buxoroda (99)854-7305 Jizzaxda (94) 199-95-64 Namanganda (91) 353-71-25 Navoiyda (79) 225-91-10 Nukusda (91)557-84-44 Samarqandda (99)508-30-52 Termizda 234-18-59 Toshkentda (97) 211-65-05 Urganchda (73) 244-18-05 Farg'onada (93)931-08-99 Qarshida